



Ишлаб чиқарувчилар фойдани максималлаштириш мақсадида арзон хом ашё сифатида фойдаланадиган палма мойини истеъмол қилиш нафакат хавфсиз эмас, балки турли касалликлар «гулдатаси», жумладан, юрак-кон томири касалликлари ва семиришга олиб келиши мумкин, оғохлантиради Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ўзининг янги маърузасида.

Хужжат 48 та илмий тадқиқотга асосланган бўлиб, уларнинг натижалари палма мойининг зарарсизлиги ва фойдалари ҳақидаги афсоналарни бутунлай йўққа чиқаради. Олимларнинг фикрича, палма мойи вақт бомбасига ўхшашдир, уни ишлаб чиқариш тамаки ва спиртли ичимликлар саноати билан такқосланадиган даражада, уларнинг лоббиси истеъмолчиларни йўлдан чалғитиш учун ҳар қандай найранглардан фойдаланади, деб хабар беради Би-би-си рус хизмати. Шу нуқтаи назардан ЖССТ "бу саноатнинг инсон саломатлиги ва сайёрамизга салбий таъсирини камайтириш" учун халқаро ҳамжамиятни палма мойига нисбатан муносабатини ўзгартиришга чақиради.

Палма мойида зарарли тўйинган мойлар бошка ўсимлик мойларига караганда анча кўп бўлганлиги аникланди. Олимлар бутун дунё бўйлаб 23 та мамлакатда палма мойи истеъмол килинишининг таъсирини тахлил килиб, бу мамлакатларда коронер юрак касалликларидан ўлим даражасининг ошишига олиб келишган.

Палма ёгининг яна бир хавфи "ёмон холестерин" (ЛНЛП) кон микдори ортиши билан боғлиқ. Маълумки, ЛНЛП атеросклерознинг ривожланишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда палма мойини ишлатиш бўйича етакчилар Россия, Хитой ва Хиндистондир. Асосан, бу маҳсулот Индонезия ва Малайзиядан импорт килинади, у маҳаллий тропик флорани ва фаунани нобуд бўлиш хавфига солади. Ўтган йили Россия Федерациясида сут маҳсулотларини янги маркировка килиш тўғрисидаги конун кучга кирди, бу эса истеъмолчиларни факат кайси ўсимликлар ёғи хакида батафсил маълумотга эга бўлмасдан, "ўсимлик ёғларини ўз ичига олган" ноаниқ сўзларни кўрсатишга мажбур килади.

Абу Муслим

(Интернет маълумотлари асосида)